

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛРИНИ ТАЪМИНЛАШДА «АТРИБУТ» ТУШУНЧАСИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИШ ЗАРУРИЯТИ

Халиллаева Сайёра Собит қизи

Ўзбекистон Республикаси

ДХХ Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси ходими капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17413160>

Аннотация: Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишда атрибутлар – яъни экстремистик ёки террористик ташкилотларнинг байроқлари, шиорлари рамзлари, тарғибочи қўшиқлари, либослари ва бошқа кўринишдаги белгилар – кенг тарқолмоқда. Бундай рамз ва аломатлар орқали ушбу ташкилотлар ўз ғоявий таъсирини Интернет ижтимоий тармоқлар орқали оммавий тарзда кенг жамоатчиликка етказмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун янги таҳдид ва вазифаларни юзага келтирмоқда.

Ушбу илмий изланишда турли давлатларда экстремистик ташкилотларнинг «атрибути»га берилган ҳуқуқий таърифлар, жиноий ва маъмурий жавобгарлик асослари ҳамда уларни қонуний тартибда тақиқлаш амалиёти таҳлил қилинади. Хусусан, миллий қонунчиликка «атрибут» тушунчасини аниқ ифода билан киритиш зарурлиги илмий асосда асосланади.

Abstract: The concept of «attribute» plays a crucial role in the legal response to religious extremism and terrorism. This study explores the legal interpretation of symbols, signs, and other visual identifiers used by extremist and terrorist organizations. In the age of rapid digitalization and social media penetration, the dissemination, storage, or even passive interaction with such attributes—such as liking, commenting, or reposting—has become a growing concern for national security and public order.

Particular attention is given to the necessity of incorporating a precise legal definition of «attribute» into Uzbekistan’s national legislation. The study argues for clearer legal differentiation between administrative and criminal liability and proposes reforms to address existing legal gaps in counter-extremism measures. The research contributes to the enhancement of legal mechanisms against the ideological spread of terrorism while aligning with international legal standards.

Keywords: attribute, extremism, terrorism, legal liability, symbol, social media, legislation, Uzbekistan.

Кириш: Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда кенг миқёсли муаммоларга дуч келмоқда, жумладан, глобал хавфсизлик, диний экстремизм, терроризм ва уларнинг интернет орқали тарқалиши нафақат алоҳида давлатлар, балки бутун минтақаларнинг барқарорлигига таҳдид солмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар онгига таъсир ўтказаяётган турли мазмундаги экстремистик материаллар кенг тарқалмоқда.

Ўзбекистон каби аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи давлатда бундай иллатлар жиддий таҳдид касб этмоқда. Айниқса, террорчилик ва диний экстремизмга алоқадор ташкилий ва визуал белгилари – «атрибутлар» орқали тарғибот ишлари кучаймоқда. Шу сабабли, бундай атрибутларнинг ҳуқуқий мақоми ва улардан

фойдаланиш, сақлаш ёки тарқатиш билан боғлиқ масалалар жиноий ҳуқуқ нуқтаи назаридан алоҳида ўрганилишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мазкур масала юзасидан муайян ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса-да, атрибут тушунчаси аниқ ҳуқуқий таърифга эга эмас, бу эса амалиётда турли талқинлар ва ҳуқуқий бўшлиқларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, мазкур илмий мақолада экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, уларни белгиловчи қонуний асосларни такомиллаштириш зарурати асослаб берилди.

Глобал хавфсизлик муаммолари орасида диний экстремизм ва терроризм масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу муаммо рақамли технологиялар, ижтимоий тармоқлар ва интернет воситаларининг кескин ривожланиши орқали кегаймоқда.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган экстремистик контент ёшлар онгига таъсир кўрсатмоқда. Ёшларнинг диний радикализмга мойиллиги, уларнинг террористик ва экстремистик атрибутлар билан қизиқиши орқали намоён бўлмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, хусусан, уларнинг атрибутларини тарқатиш, сақлаш ёки тарғиб қилишга оид нормаларни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур тадқиқотда экстремистик ва террористик атрибут тушунчаси, унинг ҳуқуқий жиҳатда аниқланиш зарурияти, шунингдек, ушбу контентларнинг инсон онгига кўрсатган таъсири таҳлил қилинади. Шу билан бирга, мавжуд ҳуқуқий меъёорлар таклиф этилаётган янги ёндашувлар билан таққосланади ва норматив-ҳуқуқий ёритилади.

Адабиётлар таҳлили ва метод: Мазкур тадқиқотда диний экстремизм ва терроризмнинг замонавий ахборот майдонидаги тарқалишига оид илмий манбалар таҳлил қилинади. Асосий эътибор виртуал майдонда экстремистик ғояларни тарғиб қилишда қўлланилаётган услублар, атрибутлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсирига қаратилди. Жумладан, Интернет ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган экстремистик контентларнинг семантик таҳлили, уларнинг ёшлар онгига таъсири, шунингдек, бу жараёнларнинг ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиши бўйича мавжуд адабиётлар кўриб чиқилди.

Тадқиқот давомида қуйидаги методлардан фойдаланилди: ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, статистик маълумотлар асосида хулоса чиқариш, контент таҳлили, шунингдек, экстремистик гуруҳлар атрибутларини аниқлашда семантик-психологик методлар. Шу билан бирга, илгари ўтказилган илмий тадқиқотлардан фойдаланилди.

Хусусан, Интернет ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган диний экстремистик контент таҳлили доирасида ушбу материалларда ишлатилган рамзлар, тарғиботчи қўшиқлар, байроқлар, шиорлар сингари атрибутлар ажратиб олиниб, уларнинг ижтимоий онгга кўрсатган таъсири семантик таҳлил асосида баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунлар, “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги

низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида мавжуд бўшлиқлар, айниқса “атрибут” тушунчасининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқлиги масалалари чуқур таҳлил қилинди.

Муҳокама: Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилишга қаратилган ва жадал суръатларда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг асосий вазифаси фуқароларнинг конституциявий эркинлик ва ҳуқуқларини самарали равишда ҳимоя қилиш ҳисобланади. Инсон ҳуқу ва эркинликларини ҳимоялаш ва кафолатлаш борасида миллий қонунчиликни ривожлантириб бориш узлуксиз жараёндир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада такоминлаштиришга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. «Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган бир даврда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган бош тамойилга амал қилиш зарур этиб белгиланди. Айнан ана шу тамойил Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда¹

Терроризм ва экстремизм XXI асрда глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғининг кенг тарқалиши бу таҳдидларнинг янги шаклларда намоён бўлишига имкон яратиб берди.

Ўзбекистонда ёшлар сони кўплиги ва уларнинг интернет фаоллиги юқори эканлиги мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда. Айрим ҳолларда ёшлар турли диний экстремистик оқимларнинг ғоявий таъсирига тушиб, уларнинг байроқ, тарғиботчи қўшиқларда, рамзларини тарқатиш, сақлаш ёки намоёйиш қилишга мойил бўлиб бормоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244¹-моддаси диспозициясида “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек, диний экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёйиш этиш мақсадида тайёрлаш”² ҳаракатларини содир қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Бунда террорчи ташкилотларнинг тарғиботчи қўшиқларини ўз ичига олган ҳолатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184²-моддасида кўрсатилган жавобгарликка олиб келади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги 184²-модда диний материалларни тарқатишни жазолашни назарда тутди.³

Атрибут (лотинча «attributum» – бахш этаман) объектнинг зарур, муҳим, хос хусусияти, муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари.⁴

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига йўллаган табриги. 2018 йил 27 ноябрь. <https://president.uz/uz>

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси

³ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс

⁴ Uz.wikipedia.org

Аммо амалда «атрибут» тушунчасининг аниқ таърифи берилмаган. Бу эса ҳуқуқни қўллашда ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида «атрибут» тушунчасини ҳуқуқий атамалар қаторидан ўрин олдириш ва ушбу атамани амалдаги «Терроризмга қарши кураш»⁵ ҳамда «Экстремизмга қарши кураш»⁶ қонунларига киритиш мақсадга мувофиқ. Бу нафақат ҳуқуқий аниқликни таъминлайди, балки профилактик таъсир ҳам кўрсатади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, «атрибут» тушунчасини қонунчиликка аниқ ва расмий равишда киритиш терроризм ва экстремизмга қарши курашда қонуний механизмларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Атрибут» тушунчасини миллий қонунчиликка киритиш терроризм ва экстремизмга қарши курашда ҳуқуқий аниқликни таъминлайди. Бу орқали суд-тергов амалиётида ноаниқликлар камаяди, экстремистик ташкилотларнинг маданий ёки диний ниқоб остидаги таъсир механизмларига қарши самарали ҳуқуқий чоралар қўлланилади. Шунингдек, бу нормани қабул қилиш Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларига мувофиқ келади.

Бугунги кунда экстремизм ва терроризм нафақат сиёсий ёки диний таҳдид сифатида, балки давлат хавфсизлигига тўғридан-тўғри хатар солувчи ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра, давлат ўзининг фаолиятини инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи тамойиллар асосида амалга оширади.⁷ Шу нуқтаи назардан, терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишини, жумладан уларнинг атрибутларини тарқатишни ҳуқуқий жиҳатдан чеклаш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Атрибут тушунчаси бугунги ҳуқуқий тизимда янги категория сифатида кўрила бошланди. Чунки террорчилик ва диний-экстремистик ташкилотлар фаолиятида атрибутлар — рамз, байроқ, тарғиботчи қўшиқ, логотип ёки шиорлар — ғоявий бирлик ва идентификация воситаси сифатида хизмат қилади. Улар орқали гуруҳ аъзолари бири-бирини танийди, фуқаролар орасида симпатия уйғотишга ҳаракат қилади ва мафкуравий таъсирни кучайтиради.

Шу сабабли, экстремизм ва терроризмга қарши курашда нафақат амалий ҳаракатлар (қидирув, тергов, жазо), балки мафкуравий ва ҳуқуқий чораларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу чоралар қаторида атрибут тушунчасини қонунчиликда аниқ белгилаш орқали жиноят ва маъмурий жавобгарлик ўртасидаги чегарани аниқлаш лозим.

Амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш зарурати Ўзбекистон Республикасининг терроризм ва экстремизмга қарши давлат сиёсатига оид асосий ҳужжат «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни терроризмнинг асосий

⁵ Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни

⁶ Ўзбекистон Республикаси «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

белгилари, молиялаштириш ва ташкилотчилик фаолиятини қамраб олган бўлса-да, атрибутларни тарқатиш ёки фойдаланиш масаласига аниқ таъриф берилмаган.⁸

Бунинг ўзи амалиётда ҳуқуқий бўшлиқни келтириб чиқармоқда. Атрибут тушунчасини қонуналарнинг асосий тушунчалар моддасига изох сифатида қуйидаги мазмунда киритиш зарур.

Хусусан, «Атрибут» деганда террорчилик ёки диний экстремистик ташкилотнинг ғоявий ёки визуал бирлигини ифодаловчи ҳар қандай рамз, байроқ, шиор, даъват, амалиёт услублари, идеологик материаллари тушунилиши керак.

Террорчилик ёки диний экстремистик ташкилотнинг рамз ва байроқлари – ташкилот ва оқимнинг ғоявий асосини кўрсатадиган ишоралар, белгилар.

Шиор ва даъватлар – одамларни ўз ғоясига жалб қилиш учун қўлланиладиган сўзлар, иборалар, аудио-материаллар ёки тарғиботчи қўшиқлар (нашидалар).

Амалиёт услублари – зўравонлик таҳдид, кўрқтиш ва тарғибот усуллари.

Идеологик материаллар – китоб, рисола, Интернет тарғиботи орқали тарқатиладиган ғоялар.

Ташкилий рамзлар – махсус киймлар, белгиловчи ишоралар, тузилма тартиблари.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига йўллаган табриги. 2018 йил 27 ноябрь. [//https://president.uz/uz](https://president.uz/uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни
6. Ўзбекистон Республикаси «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори.

⁸ Ўзбекистон Республикаси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни